ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ

№12 (20048) 2024 йил 14 февраль чоршанба

1918 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

НАМАНГАНИМИЗДА қўғирчоқ театри фаолият бошлади

Ўз мухбиримиз.

Наманган шаҳрининг қоқ марказида, Бобур номидаги истироҳат боғига туташ майдонда қад ростлаган вилоят қўғирчоқ театри қурилиши ва болажонларга мос равишда жиҳозланиши учун давлат бюджетидан 18 млрд. 800 млн. сўм маблағ сарфланди.

Фойдаланишга топширилган янги муассасанинг очилиш маросими тантанали тусда ўтди. Кўплаб вилоятлардан келган меҳмонлар, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари даврасида вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов, республика Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Азамжон Тожиддинов сўз олиб, кейинги йилларда соҳага катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, Наманган шаҳрида илк бор замонавий типдаги қўғирчоқ театри наманганликлар, болажонларимиз тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар.

Ёш истеъдодларнинг театрлаштирилган кўринишлари, қувноқ рақслари, айниқса, ноёб қўғирчоқ қаҳрамонларининг чиқишлари маросимга кўтаринкилик бағишлади.

Рамзий лента қирқилгач, болажонлар театр биносидаги шароитлар билан танишдилар.

Қўғирчоқ театри саҳнасида Иқбол Мирзо қаламига мансуб «Алишер Навоий ва Хусайннинг ёшлиги» спектакли намойиш этилди.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 541 ЙИЛЛИГИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик меросининг умумий ҳажми 400дан ортади. Шундан 119 ғазал, 231 рубоий туюқ ва қитъа. Фард, маснавий жанрларида ҳам асарлар яратган. Бобур шеърияти интеллектуал калб изҳори сифатида ардоқли.

Рубоий

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушкил,
Фирқунгда ҳадисингни эшитмак мушкил,
Ишқингни доғи бартараф этмак мушкил,
Бошинг олибон бир сари кетмак мушкил.

* * *

То айрилди ҳажрингда қилмадим манзил,
Сурати била эрди айрулмен мен бедил.
Валлоҳки, эй ёр, сенинг ёдингдин
Бир лаҳза бир замон эмасмен ғофил.

ТАҚДИМОТ

Наманган шаҳридаги «Пахтакор» спорт мажмуасида футбол бўйича миллий чемпионат суперлигаси старти олдидан «Навбаҳор» жамоасининг тақдимоти ўтказилди.

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ!

Охилхон ДАДАБОЕВ.
Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Маросимда клубнинг янги мавсум режалари, жамоа таркиби ва мураббийлари штаби аъзолари таништирилди.

Юртимиз жамоалари орасида биринчилардан бўлиб тадорикка киришган наманганликлар дастлабки ўйинларда, кейинчалик Туркияда халқаро ўқув йиғини ўтказди. Қозоғистон, Россия, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия ва Эрон жамоаларига қарши кечган назорат баҳсларида бир қатор футболчилар синовдан ўтди.

2024 йил мавсум якунидан буён жамоага бош мураббийлик қилиб келаётган Самвел Бабаян таркибнинг ўзагини сақлаб қолган ҳолда, жамоа стратегиясига мос тушадиган номзодларга эътибор қаратди. Натижада, клуб раҳбарияти эрониклик Сиёвуш Ҳақназари («АГМК»), грузиялик Гиорги Никабадзе («Нефтчи»), Александр Лобанов («Металлург»), Русланбек Жиянов («Нижний Новгород», Россия), Нурмуҳаммад Тошпўлатов («Локомотив», Тошкент), Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Фаррух Сайфиев ва Одилжон Ҳамробеков («Пахтакор») каби иқтидорли ўйинчилар тўп усталари билан шартнома тузди.

Вилоят ҳокими, вилоят футбол ассоциацияси раиси Шавкатжон Абдураззоқов «Навбаҳор»нинг ўтган йилги саммикли натижалари, айниқса, Осиё Чемпионлар лигасида муваффақиятли қатнашиб, қатъиятда ўз ўрни борлигини исботлаганини эътироф этиб, янги мавсумда чемпион бўлиш вақти келганлигини таъкидлади.

Тадбирда ўтган мавсумда бронзани қўлга киритган жамоа футболчилари, мураббийлар штаби ва клуб раҳбариятига медаллар тантанали тарзда топширилди. Шундан сўнг, «Лочинлар»нинг таркиби таништирилиб, ўйинчиларга рақамлари ёзилган кийимлар улашилди. 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан «Футбол фидойиси» номинацияси эътироф этилган вилоятимиз раҳбари Шавкатжон Абдураззоқовга «Навбаҳор»нинг 50-рақами ёзилган махсус футболкаси тақдим этилди.

Қайд этиш лозимки, жорий йилда «Навбаҳор» футболчилари «7Saber» миллий бренди остидаги либосларда майдонга тушади. Титул ҳомийси сифатида эса «E-Auksion» электрон савдо платформаси белгиланган.

Маросим якунида «Навбаҳор» бош мураббийи Самвел Бабаян ва жамоа сардори Азизжон Аҳмедов сўзга чиқиб, янги мавсумда мухлисларни манзур келадиган мазмунли ўйинлар кўрсатиш ҳамда совриндорлик чемпионлик унвонини қўлга киритишга астойдил интилишларини таъкидлади.

Маълумот ўрнида, «Навбаҳор» жамоаси шу йилнинг 15 февраль куни ўз майдонида Осиё Чемпионлар лигаси иккинчи босқич финал босқичи доирасида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клубини қабул қилади. Суперлига стартида эса севимли жамоамиз 1 март куни Наманган шаҳридаги «Марказий» стадионда Самарқанднинг «Динамо» клубига қарши майдонга тушади.

САНОАТ

Маҳаллий хомашёдан

Муҳиддин МАҒЗУМОВ.
Муҳаммаджон ЮСУПОВ олган суратлар.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг баробарида ишлаб чиқаришни жадал ривожланаётгани маҳаллий хомашёдан маҳсулот тайёрлаш кўрсаткичининг ортишига пухта замин ҳозирламоқда. Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» кичик саноат зонасида фаолият юритаётган «Муҳаммадали МЧЖ»ни ана шундай корхоналар сирасидан дейиш мумкин.

– 2021 йилда тўрт киши билан иш бошлаганмиз, – дейди МЧЖ раҳбари Неъматилло Мамадалиев. – Цехимизда асосан пластмасса маҳсулотлари тайёрланади. Бунинг учун зарур бўлган иккиламчи маҳаллий хомашё сероблигидан шуни қайта ишлаш ҳамда иқтисодий, иммонент ва шароитини ўрганиб, амалий ишга киришдик. Дастгоҳларни Хитойдан келтирганмиз. Бугунги кунда саккиз кишини иш билан таъминладик. Харидорларимиз – вилоятдаги текстиль корхоналарига ойига 200 мингтагача маҳсулотни етказиб бермоқдамиз. Келгусида уй-рўзғор учун зарур буюмларни ички бозорга етказиб бериш режамизда бор ва кўшимча иш ўринлари ҳам кутилади.

БОБУР ВА АХСИКЕНТ

Ўз мухбиримиз.

Наманган шаҳридаги «Маърифат масканн»да бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжумани ҳам янги-янги далилларни очиқлади. Шоҳ ва шоир шахсига доир кўплаб тахминларга аниқлик киритди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, моҳир саркарда, шоҳ ва шоир, тарихнавис қомусий олим, серқирра истеъдод соҳиби, темурий шаҳзодаларнинг яна бир жаҳонгашта сиймоси.

Қадим Фарғона пойтахти – Ахсикент шарафли макон сифатида тарихчи олимлар, археологлар томонидан ўрганилгани сайин янги-янги маълумотлар юзага чиқмоқда. Янгидан битиклар тузилиб, ҳақиқатлар бўй бераётир. Илмий тадқиқотлар Ахсикент сирлари қатъидаги темурий шаҳзодаларининг, хусусан, Бобур бобомизнинг сиймосини, салб-интилишларини тобора ростламоқда.

Наманган вилояти ҳокимлиги ва Ахсикент халқаро илмий тадқиқот жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманни вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар котибияти мудири Фахриддин Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Анжуман мавзуга мос равишда жамоат бирлашмасининг 2023 йилги ҳисоботи тарзида тўбйёт ва тарих фанлари доктори, профессор Мирмаҳмуд Мирсаидуллаев маърузаси билан ҳам аҳамият касб этди.

Тарихчи олим Тоҳиржон Қозоқовнинг «Ахси номи билан боғлиқ топонимлар. Ахсикент ҳокимлари» мавзусидаги маърузаси илмий жамоатчиликнинг астойдил тадқиқий интилишларидан далолат бўлди. Филология фанлари доктори Неъматилла Отажонов таъкидлаганидек, «Бобурнома» – Иккинчи Ренессанснинг маҳорйди».

Турон Фанлар академияси президенти Ҳайдарбек Бобобеков, Турон ФА академиги ва вице-президенти, профессор Раҳмонали Ҳасановлар иштирокчилар эътиборини Бобур шахси ва унинг илмий-ижодий мероси мавзусига қаратдилар, тадқиқий маълумотларнинг қимматини Наманганимиз ҳудудидан мамлакатимиз ва жаҳон миқёсига тарқалаётган илм зиёларига шаҳа ёрқинлик бағишлашни шубҳасиз.

Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мусохон Алпаков илмий амалий анжуман янги муваффақиятини шунчаки тўйчик ва тилак билан эмас, амалий қувватлашга куч берувчи рағбатлантириш билан эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, вилоят «Нуроний» жамғармаси раҳбари Икромжон Нажмиддинов, публицист-ёзувчи Солиқ Саидуп ва бошқаларнинг анжуман давомидаги қимматли фикр-мулоҳазалари мавзу бўйича янги изланишлар истиқболига умидворлик уйғотди.

Тафаккур

Тиллар қанчалик ғояларга бойиган бўлса, зарур сўзларга ҳам шу даражада бойиган.

Муаммоларга ечим излаб

Фахриддин БОЙЗАҚОВ,
Норин тумани Халқ қабулхонаси мудири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Норин туманидаги Халқ қабулхонасига ўтган 2023 йил давомида турли масалаларда 6845 та [illegible] жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари [illegible] бўйича [illegible]

[illegible]

Ушбу мурожаат ҳам Халқ қабулхонаси аралашуви билан ижобий ҳал этилди.

[illegible]

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

МОРАТОРИЙ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Сувни ифлослантирувчи [illegible] кенгайиши баробарида дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш ҳудудларида норуда ашёларни қазиб олиш билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда.

[illegible]

Муҳиддин МАГЗУМОВ ёзиб олди.

ОГОҲЛИК

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайд этилган маълумотларга кўра, ҳар йили 2 миллиарддан ортиқ инсон вирусли гепатитни ўзига юқтириб олган ва ҳар йили 600 000 нафардан зиёд киши шу хасталикдан оламдан ўтади. Сабаби у инсон организмидаги энг муҳим [illegible] жигарга зарар етказиши билан хавфлидир.



Вирусли гепатит

ҳақида нималарни билишимиз керак?

Абдулбоқи ИСМАТОВ,
вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси эпидемиолог врачи.

[illegible]

Маъмурий судларда давлат божини олдиндан ундириш бекор қилинди

Шоирахон АХМЕДЖАНОВА,
Наманган туманлараро маъмурий суди судьяси.

Президент томонидан 2024 йилнинг 16 январь куни «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун имзоланди.

[illegible]

Тарих тилга кирганда

Ҳар бир воқеани тарихий келиб чиқиш жараёни бўлгани каби, аҳолини рўйхатга олиш ҳам, мақсади ва моҳияти замонага қараб турлича бўлса-да, ўзининг узоқ тарихига эга. [illegible]

[illegible]

Янги Наманган тумани статистика бўлими.

БИЛДИРИШ

O'zbekiston metallurgiya va mashinasozlik sanoati tarmoqlari xodimlari kasaba uyushmasi Namangan viloyati kengashi (СТИР: 207339469) ўз иш фаолиятини тугатаётганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой давомида қабул қилинади.

* * *

Чуст тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан 2022 йил 11 мартда Йўлдошев Ҳакимжон Баходиржон ўғли номига берилган ОК №3585730 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшма Наманган вилояти бўлими ҳамда «Наманган ҳақиқати» газетаси таҳририяти фахрий журналист, шоир ва адиб

Эркин ҚАМБАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, уюшма вилоят бўлими, «Наманган ҳақиқати», «Посўда» газеталари таҳририятлари мухбир Гулчеҳра Бувамирзаевага волидаи муҳтарамаси

САНОБАРХОН аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРИМИЗ
www.namhaqiqat.uz
@NamanganHaqiqati_Rasmiy

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 541 ЙИЛЛИГИГА

БАРҲАЁТ БОБУРНИНГ БАЙНАЛМИЛАЛ БУНЁДКОРЛИГИ

Бахтиёр ИСҲОҚОВ,
НамДУ археология кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Шоҳ ва шоир, ўзбекнинг ўктам ўғлони Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг бунёдкорлик, бинокорлик, меъморлик фаолияти 14 йиллигидаёқ жадал суръат билан бошланиб кетганди.

[illegible]

А. СОБИРОВ,
«Ҳудудгаз Наманган» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси раиси.

Адолатли шоҳ, нозиктаъб шоир

Маъмура МАМАЖОНОВА,
НамДУ мактабгача, бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети тютори.

12 йилдаёқ тахтга чиққан ва заковат соҳиби бўлган Заҳириддин Муҳаммад ўз подшоҳлиги даврида адолатни маҳкам тутган, илм-фан ҳомийси сифатида ном қозонган йирик тарихий шахс эди.

[illegible]

Бобурий маликалар

Дурдона МАШРАБАЛИЕВА,
талаба.

Кучли шахсларнинг ортида кучли аёллар туришади. Бу ҳикматли хулосанинг ким томонидан қачон айтилгани менга маълум эмас. Аммо бу ҳақ гап ва мисоллар жуда кўп. Хусусан, улуғ шоҳ ва шоир, комусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур камолотида ҳам тақдир ҳадя этган зукко аёллар бўлган.

[illegible]

Алломалар ёки икки китобхон синф

Ўз мухбиримиз.

Наманган шаҳридаги 74-умумтаълим мактабида бугунги кунда 1600 нафардан зиёд ўғил-қиз таҳсил олмоқда.

[illegible]

«Зиё улаш»

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан вилоятдаги туман ва шаҳарлардаги 4-тоифали жойлашган маҳаллаларда ёшлар учун кутубхоналар ташкил этилди.

[illegible]

Вилоят адлия бошқармаси ахборот хизмати.

Тўрақўрғон туманидаги «Шабнам» номли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотида «Гаҳалдонлик кечаси» бўлиб ўтди.

[illegible]

Ўз мухбиримиз.

Бобур Мирзо ва Маҳдуми Аъзам суҳбати

Мастура ЗУЛФИҚОРОВА,
шу мактаб муаллимаси.

Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда албатта Косонсой ҳам табаррук тарих саҳифаларидан жой олганлиги, Ахсикентнинг Умаршайх Мирзо макон тутган Сирдарё соҳилидаги истеҳкомидан Бобур бобомизнинг болалик йиллари Косонсойнинг ...

[illegible]

МАЪНАВИЯТ СОАТИ

Буюк сиймолар

«Ҳудудгаз Наманган» газ таъминоти филиалида сўз ва ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг 583 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги муносабати билан «Алишер Навоий ва Бобур мероси: бебаҳо маънавият хазинадир» номли маънавият соати ўтказилди. Ушбу тадбирни филиал директори ўринбосари Муроджон Ходжаев олиб борди.

[illegible]

ФАХР

Ўзбекистон Санъат арбоби Карим Йўлдошев: НАМАНГАН ФАРЗАНДИМАН!

Маҳлиёхон ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали катта ўқитувчиси.

Атоқли театр режиссёри Карим Йўлдошев 1940 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1960-1965 йилларда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг драма режиссёрлиги бўлимини тамомлаб, илк иш фаолиятини Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрида (ўша вақтлари шундай номланарди) бошлаган ва бу даргоҳда 1975 йилгача режиссёр, бош режиссёр, директор вазифаларида фаолият юритган. 1975-1987 йилларда Қашқадарё вилояти ҳамда республика Ёш томошабинлар театрларида бош режиссёрлик қилган.

Кейинчалик яна Наманганга қайтган, «Ниҳол» номли вилоят қўғирчоқ театрида раҳбар, Наманган маданият коллежида ўқитувчи, театрда бош режиссёр лавозимларида ишлаган.

Театр санъати соҳасида юртимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам ўз ишининг устаси, истеъдодли режиссёр, саҳна санъати билимдони сифатида танилган. Карим Йўлдошев фаолияти давомида ўзбек драматурглари асарлари билан бир қаторда, шарқ ва ғарб драматургиясининг ўлмас намояндалари ҳамда классик асарларини саҳнага олиб чиқди.

Ч. Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим», В. Катаевнинг «Вақт 24 соат», Шиллернинг «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат», В. Шекспирнинг «Макбет», «12-кеча», «Ҳамлет», Э. Радзинскийнинг «Суқрот билан суҳбат», Фитратнинг «Эвоҳ», С. Абдуллаевнинг «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра», Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун», А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Г. Зафарий ва Т. Тўлаевнинг «Ҳалима», А. Аъзамовнинг «Усмон Носир қаерда?», А. Жабборнинг «Наманган алласи», «Алпомишнинг ўғлони» сингари ўнлаб асарлари бевосита Карим Йўлдошев режиссёрлик маҳоратининг маҳсули сифатида саҳна юзини кўрди.

Унинг Эстония, Россия, Қирғизистон театрларида саҳналаштирган асарлари, шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театрида илк бор саҳнага олиб чиққан «Амир Темур» асари театр санъати мутахассислари томонидан юксак баҳоланган.

Театр драматургларининг халқаро фестивали, Ғарб ва Шарқ давлатлари театр арбоблари, журналлари, Бокирдистон ва Қирғизистон Халқаро театр фестивалларида, республика миқёсидаги кўплаб анжуманларда унинг ишлари юқори … олимлар томонидан алоҳида эътироф этиб келинган.

Карим Йўлдошев истиқлол йилларида ҳам вилоят ва республика миқёсидаги Мустақиллик, Наврўз байрамларида, турли сайллар ва касб байрами кунларида ўтказиладиган оммавий тадбирлар режиссураси бўйича ҳам етук мутахассис эканини кўрсата олдики, сидқидил хизматлари инобатга олиниб, «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган. Устоз режиссёр айни вақтда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалида ўқитувчилик қилмоқда.

Эндиликда «Карим Йўлдошев режиссёрлик мактаби»нинг давомчилари ҳам кўпайиб бормоқда. Устозининг саъй-ҳаракатлари билан Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориповнинг 80 йиллигига бағишлаб «Соҳибқирон» драматик достони асосида талаба-режиссёр Хўжамберди Эшмбердиев томонидан «Армонсиз ўтган умр» асари саҳналаштирилди. Мусиқали театр актёрлиги талабалари томонидан буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллигига бағишлаб, «Адолат қиличи» номли спектакль намойиш этилди.

2022 йилда унинг маротаба … этилган анжуман «ТЕАТРОН-2022» халқаро лойиҳасида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган Бобур Каримов ва Муҳриддин Мадаминовлар ҳам Карим Йўлдошевнинг шогирдлари.

Умрининг саксон еттинчи довонидан ўтган бўлса-да, ҳамиша изланишда, ёшларга ибрат бўлиб келаётган, Наманган фарзандиман, деб фахрланаётган Карим ота Йўлдошевга ҳамиша соғ-омон бўлинг, деймиз.

Ислом – озодаликка ғоят жиддий эътибор қиладиган, поклик тушунчаси мукаммал ифодасини топган шариат ҳисобланади. Озодаликка тарғиб қилувчи оят ва ҳадислар нисбатан кўп. Шу боисдан, покликни динимиз асосларидан бири десак сира муболаға қилмаган бўламиз.

Поклик – иймоннинг ярми

Абдулвоҳид ИСОҚОВ,
Наманган шаҳридаги «Мирёқуббой Мирҳакимбой» жомеъ масжиди имом хатиби

Аслида Ислом дини келган даврларда ҳозиргидек чиқиндилар, турли-туман зарарли тутун ва заҳарларни чиқарувчи завод-фабрика, кон, кимё заводлари, машина ва бошқалар бўлмаган. Одамлар бугунги кундагидек кўп чиқинди ҳосил қилувчи маҳсулотларни ҳам истеъмол қилмаган. Табиат қўйнида, табиий неъматлардан озиқланган. Турли хил сунъий моддалардан тайёрланган хилма-хил ўрам, қадоқ ва бошқа идишлардаги егуликлар эмаган. Уларнинг асосийси таом қолдиқлари бўлган, холос. Шундай бўлса ҳам динимиз ўша вақтнинг ўзидаёқ орасталик ва шахсий тозалик ва гигиена соҳасида келажак даврларга ҳам манфаатли бўлувчи кўрсатмаларни бериб қўйган.

Шу ўринда бир тафаккур қилайлик, зоҳирларни озода тутишга динимизда бу қадар эътибор берилган экан, уларнинг ичи ҳақида нима дейиш мумкин? Табиийки, бу масала динимизда янада муҳимроқ ўринда экани шубҳасиздир. Бунга кўплаб ҳадиси шарифлари ҳам далил бўлишимиз мумкин.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: «Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради ва ўз бандасининг устида (ўзи берган) неъматининг асарини кўришни яхши кўради, ночорликни ва ўзини ночор тутиб юрувчиларни ёмон кўради» (Байҳақий ривояти).

Демак, мусулмон киши уст-боши кир ва ифлос ҳолда юрмасдан, покиза ва озода либосларни кийиши, соч-соқолига аҳамият бериши, парваришлаши, баданини … ҳамда кийиб юриши Аллоҳга маҳбуб ишлардан экан. Аллоҳ шундай неъматни берган бўлса маълум миқдор сарфлаш имкони бўлса ҳам ўзини ориста тутиб юриши Аллоҳга маҳбубдир. Чунки, бунда инсон Роббисининг неъматини ошкор қилган ва шу тарзда шукрини ўзига мос тарзда изҳор этган бўлади.

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга дин рисолатини илк нозил қилаётган даврларда Аллоҳни даъват равишида улуғлашга ва либосни покиза тутишга буюрган: «Ёпин…, Парвардигорингизни улуғланг ва кийимларингизни пок тутинг!» (Муддассир сураси: 3-4-оятлар). Ушбу оятни кармималар тафсирида Имом Фахруддин Розий шундай дейди: «Агар оятни кармимадаги «кийимлар» ва «поклаш» лафзлари зоҳирига ҳавола қилинадиган бўлса, бундан шуни тушунамизки, Пайғамбаримиз ўз либосларини янада поклашга буюрилган бўладилар». Ҳа, агар Исломда поклик тушунчаси жуда муҳим ўрин тутмаганда эди, бу ҳадлар … ва оятни каримада … олинмас эди.

Муқаддас динимиз Исломнинг покликка бўлган эътибори шу даражага етдики, уни иймоннинг ярми деб эълон қилди. Набий алайҳиссалом бир ҳадисларида «поклик (таҳорат) иймоннинг ярмидир» деганлар (Саҳиҳи Муслим, 223-ҳадис).

Албатта ҳадисда зикр этилган поклик фақат жисмоний ва моддий покликнинг ўзи билан чекланиб қолмайди, балки куфр-ширк, залолат ва барча маънавий иллатлар, разолатлардан қалбларнинг пок бўлиши ҳам тушунилади. Зеро, моддий покликка бу қадар эътибор берган дин ўз-ўзидан маънавий покликни четга суриб қўйиши мумкин эмас. Зотан, ҳар доим маънавий нарсалар моддий нарсалардан юқори турган.

Ислом дини шахсий гигиена масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинади:

«Беш нарса фитратдандир: хатна қилдириш, ҳаром тукларни кетказиш, тирноқ олиш, қўлтиқ остидаги тукларни юлиш ҳамда мўйлабни калталатириш» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Аслида буларнинг барчаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ нарсалар. Яъни, қалб поклиги, бадан поклиги, либос поклиги ва ҳалқум поклиги мусулмон инсоннинг камолоти етишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун уларнинг бирортасига амал қилиб, бошқаларини ташлаб қўйиш тўғри келмайди. Зеро, бадани ва либоси пок бўлса ҳам ҳалқумининг покланишига эътибор бермаса, тўлиқ ҳалол йўл билан топилганми, ҳаром йўл билан топилганми, эътибор бермаса, бундай инсоннинг қалби покланиши қийин, дуоси ижобат бўлмайди ва кўп яхшиликлардан бенасиб бўлиб қолади.

«БАРКАМОЛ АВЛОД»

КУБОК МЕЗБОНЛАРДА ҚОЛДИ

Орифхон ДАДАБОЕВ.

Наманган Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасидаги баскетбол бўйича «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ва таркибида 108 нафар баскетболчидан иборат бўлган 12 та жамоа ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Якуний натижаларга кўра, барча рақибларини мағлубиятга учратган вилоятимиз терма жамоаси умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди. Финалгача етиб келган Самарқанд вилояти спортчилари фахрли иккинчи, пойтахтликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар кубок, диплом, медал ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Кўникмалар синовдан ўтказилди

Искандар НУРАЛИЕВ,
Наманган шаҳар ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан.
Исломжон МЕЛИБОЕВ,
вилоят ФВБ ахборот хизмати етакчи мутахассиси.

Наманган шаҳар ФВБ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Чорсу деҳқон бозори»да махсус тактик ўқув-машқи ўтказилди.

Машқ давомида тунда содир бўлган фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракатланиш ва ёнғинлар оқибатларини ўз вақтида бартараф этиш, келиб чиқиши мумкин бўлган … олиш борасидаги билим ва кўникмалар синовдан ўтказилди.

Ўқув натижаси таҳлил қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Бу каби ўқув-машқлар вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида аниқ режа асосида давом эттирилмоқда.

ФВБ ФАОЛИЯТИДАН

«Очиқ эшиклар куни»

Сардор БАХРОНОВ,
Уйчи тумани ФВБ инспектори катта лейтенант.

Бўлинмамизда туманидаги 22-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди.

Тадбир давомида ФВБчилар ва қутқарувчилар … ўтказилди. Ёшлар махсус асбоб-ускуналар, қутқарув ва ўт ўчириш техникалари билан танишдилар, «Қутқарувчилик – шарафли касб», «Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш – мақсадим бош…!» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят ҳудудий бирлашмаси ва Наманган тумани ижро этувчи аппарати ҳамкорликда ўқув-семинар ташкил этилди. Бундан асосий мақсад, шаҳар ва туман жамиятларида фаолият юритаётган раҳбар ҳамда ходимларнинг билим ва малакасини ошириш орқали тажриба алмашишдан иборат.

Тажриба билим манбаидир!

Дилшодбек БОЗОРОВ,
вилоят ҳудудий бирлашмаси маърифий ва тарғибот шўъбаси бошлиғи.

Машғулотда вилоят ҳудудий бирлашмаси ижрочи директори Аҳаджон Турдиқулов Федерация томонидан тасдиқланган янги таҳрирдаги иш ҳужжатларини жорий этиш ва такомиллаштириш юзасидан тушунтиришлар берди.

Шунингдек, ҳуқуқий ҳимоя ва кадрлар билан ишлаш бўйича ҳамда маърифий тарғибот ва ахборот таҳлили шўъбаси мудирлари билан биргаликда соҳадаги … тизимда олиб борилиши лозим бўлган ишлар режалаштирилди.

Наманган тумани ижро этувчи аппарати раиси Элдорбек Сотволдиев ҳамда маърифий тарғибот ва ахборот таҳлили бўйича мутахассис Дилноза Абдукаҳорова янги иш ҳужжатлари билан танишдилар. Матбуот ва ахборот хизмати ишини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди. Ўқув-семинар давомида барча шаҳар ва туман жамияти ходимлари ўзаро фикр алмашиб, билим ва тажрибаларини янада мустаҳкамлашди.

ИЗҲОР

Кўнгилларни обод этиб

Сунъатилла ТОЛИПОВ,
Турон Фанлар академияси академиги, меҳнат фахрийси.

Давлатимиз раҳбарининг доимий равишдаги эътибор ва ғамхўрликлари туфайли мамлакатимиздаги меҳнат фахрийлари, кекса-ю ёшлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш масаласи изчил йўлга қўйилмоқда. Ана шундай манзиллардан бири Давлатобод туманидаги кекмаш ўринли интернат ва «Кексалар боғи» 2021 йилда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу даргоҳдаги раҳбариятдан тортиб, барча шифокору ходимларгача ёши улуғ, саломатлигида камчилиги бор нуронийларга ширин сўз, ширин тил билан муомалада бўлиб, кексик кунларига малҳам бўлмоқдалар. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказининг раҳбари Раҳмонжон Абдуллаев, малакали шифокор Муйдинжон Тожибоев, бош ҳамшира Мунирахон Партибоева, диетолог ҳамшира Дилдора Маҳкамова ва бошқаларнинг ўз вазифаларини ўта масъулият билан адо этаётганларига гувоҳ бўлдик.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида дам олаётган бир гуруҳ нуронийлар катта жамоанинг масъулиятли ва савобли иш фаолиятларида муваффақиятлар тилайлик. «Кексалар боғи»нинг фаолиятидан миннатдорликларини изҳор этишди.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2024 йил учун «Ўзбекистон почтаси» АЖ Наманган филиали, «Матбуот тарқатувчи», «Наманган Универсал почтаси» ва «Наманган матбуа тарқатувчи хизмати» МЧЖлар ҳамда «Наманган ҳақиқати» таҳририяти орқали обуна бўлаётган ўқувчиларнинг вақтида олаётган ёки обуна нашрларини етказиб беришларидаги билан боғлиқ бошқа муаммолар туғилган тақдирда қуйидаги «Ишонч телефони»га мурожаат этишингизни сўраймиз.

Таҳририят: (69) 227-91-19.

ҲАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ЧОРШАНБА, 14	ПАЙШАНБА, 15	ЖУМА, 16	ШАНБА, 17	ЯКШАНБА, 18	ДУШАНБА, 19	СЕШАНБА, 20
+17 +4	+16 +5	+13 +1	+1 –2	+1 –4	+2 –1	+6 –1

ВАЛЮТА

1 АҚШ доллари	12469.65	1 Япония иенаси	83.62
1 ЕВРО	13428.57	1 Швейцария франки	14242.89
1 Россия рубли	136.84	1 Корея воны	139.39
1 Англия фунт стерлинги	15736.70	1 Қозоғистон тенгеси	27.89

Тафаккур Халқ тилига яқин бўлинг, икки-учтагина сўз билан жонли тасвир яратувчи оддийлик, қисқалик, теранликни изланг.

Наманган ҳақиқати
Муассис: Наманган вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир: Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона: (69) 227-86-43.
Котибият: (69) 227-91-25.
Маданият бўлими: (69) 227-95-21.
Давлат қурилиши ва ҳуқуқ-тартибот бўлими: (69) 227-91-50.
Ахлоқ бўлими: (69) 227-91-50.
Умуминқтисодиёт бўлими: (69) 227-96-60.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.
Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.
Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Таҳририят манзили: 160108, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 38-уй.
Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Рисликхон Маҳмудова.
Навбатчи: Орифхон Дадабоев.
Мусаҳҳиҳ: Насибахон Юнусова.
Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқодир Юлибоев.
Таҳририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 6 varaqдан ортиқ (шунингдек қўлёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди.
Топширилган материаллар эгасига қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 7 721 нусхада чоп этилди.
Қоғоз бичими – А-2.
Ҳажми – 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй.
Буюртма: 101.
Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 19.30

Сотувдаги баҳоси: 5000 сўм
www.namhaqiqat.uz
@NamanganHaqiqati_Rasmiy
nam-haqiqat@umail.uz
ISSN: 2091-5853
Ⓡ – белгиси билан тижорий мақолалар берилади.